



O'ZBEKISTON OVOZI

2012-yil, 10-may. Payshanba 58 (31.490)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqarib boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

ИНСОН ХОТИРАСИ — БОҚИЙ, ҚАДР-ҚИММАТИ — УЛУҒ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан
9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда

Хотира — аждодларга юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодаси. Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуг. Президентимиз томонидан истиқлолнинг илк йилларидан эл-юртимиз тақдирига дахлдор тарихий адолатни тиклаш, аждодларимизнинг эзгу ишлари, жасоратини улуғлаш ва абадийлаштириш, мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган эътибор халқимизнинг ана шундай ўлмас қадриятлари, бебаҳо маънавий фазилатларини намойиш этиб келмоқда.

Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган, оловли майдонларда ўз юртининг тинчлиги ва озодлиги, оиласи, фарзандларининг хотиржамлиги учун курашган инсонлар мудом халқимиз ардоғида. Беаёв жангларда жон фидо қилган боболаримиз хотираси қалбларимизда абадий яшайди. Бугун ораимизда яшаётган 6 минг 600 нафардан зиёд Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига давлатимиз томонидан ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 18 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Маъмур фармонга мувофиқ барча шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари топширилди.

9 май. Пойтахтимиздаги табаррук масканлардан бири — Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, сенаторлар, депутатлар ва ҳарбийлар, кенг жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Майдон узра маҳзун мусиқа таралади.

Соат 9.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига

(Давоми 2-бетда.)

гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун мамлакатимизда буюк тарихий сана, яъни Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан ғалаба қозонилган куннинг 67 йиллиги нишонланмоқда, — деди Ислам Каримов. — Пойтахтимиз Тошкентда, шаҳар ва қишлоқларимизда халқимиз Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган маросимларни бажо келтирмоқда. Аввало ана шу аёвсиз урушда қатнашганлар, жанг майдонларидан қайтмаган барча юртдошларимиз хотираси олдида бош эгиб, таъзим қилмоқда.

Бугун сафимизда эсон-омон, бардам бўлиб, барчамизга маънавий мадад бериб, ибрат бўлаётган уруш қатнашчиларини чин қалбимдан табриклаш, уларга узоқ умр тилаб, ўзимнинг самимий ҳурматимни билдириш менга катта мамнуният бағишлайди, деди давлатимиз раҳбари.

Агар ана шу даҳшатли урушда 1,5 миллион юртдошларимиз қатнашганини, шулардан тахминан 500 минг ватандошимиз ҳалок бўлганини инобатга оладиган бўлсак, Ўзбекистонда ўша пайтдаги хонадонларнинг биронтасини бу фожиа четлаб ўтмагани аён бўлади.

Орадан йиллар ўтади, замонлар ўтади, лекин халқимизнинг ўрдидаги, қалбидagi мудхий уруш азоб-уқубатлари, айрилик яраси ҳеч қачон унутилмайди.

Барчамизнинг ишончимиз қиммат: фашизмга қарши курашда ўз она юртининг тинч, осойишта ҳаётини, бегубор осмонини асраш учун мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатган, жон фидо этган юртдошларимизнинг хотираси абадий яшайди, халқимиз ўз ўғлонларининг азиз номларини миннатдорлик билан эслайди, уларнинг охирати обод бўлишини Яратгандан сўрайди, деб таъкидлади Президентимиз.

Ўтганлар хотирасини ўз ёдида сақлаб, эъзозлаб яшаш халқимиз учун энг муқаддас фазилат бўлиб келган. Бундай одат миллий қадриятимизга айланиб, қон-қонимиз, суяк-суягимизга сингиб кетган.

Ушбу қадрият халқимизнинг



Ўзига хос, бошқалардан ажралиб турадиган ноёб фазилатидир. Шунинг учун ҳам 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини биз катта байрам сифатида нишонлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, жаҳон тарихида даҳшатли из қолдирган, собиқ Совет Иттифоқида яшagan 27 миллион одамнинг умидига зомин бўлган, халқимизда ўз она юртининг тинч, осойишта ҳаётини, бегубор осмонини асраш учун мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатган, жон фидо этган юртдошларимизнинг хотираси абадий яшайди, халқимиз ўз ўғлонларининг азиз номларини миннатдорлик билан эслайди, уларнинг охирати обод бўлишини Яратгандан сўрайди, деб таъкидлади Президентимиз.

Ўтганлар хотирасини ўз ёдида сақлаб, эъзозлаб яшаш халқимиз учун энг муқаддас фазилат бўлиб келган. Бундай одат миллий қадриятимизга айланиб, қон-қонимиз, суяк-суягимизга сингиб кетган.

Ушбу қадрият халқимизнинг

ён-атрофимиздаги нотинч аҳвол ҳар биримиздан доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашимизни талаб қилади. Қўшни Афғонистонда бундан 30 йил муқаддам бошланган нотинчликнинг ҳали-бери охири кўринмапти. Бу нафақат Ўзбекистон учун, халқимиз учун, умуман минтақамизда яшаётган барча одамлар учун катта хавф-хатардир. Ўз юрти, оиласи, фарзандларининг келажagini ўйлайдиган ҳар бир инсонни бу ташвишга солиши табиий. Халқимизда «Қўшнинг тинч — сен тинч» деган мақол бежизга айтилмаган, деди Ислам Каримов.

Бугун фашизм устидан қозонилган ғалабага 67 йил бўлишига қарамастан, минг афсуски, жаҳоннинг турли мамлакатларида, турли ҳудудларида фашизм деган офат яна бош кўтарайотгани, миллатчилик каби жуда хавфли бало тобора тарқалиб бораётганини сезмаслик, кўрмаслик, бундай хавф-хатарларга бепарво бўлиб яшаш кутилмаган оғир оқибатларга

олиб келиши муқаррар.

Такрор айтишга тўғри келадди: бундай таҳдидларни ўз вақтида сезиш, уларнинг ёвуз баъшарасини очиб бериш бугунги замоннинг талаби.

Шулар ҳақида гапирар экан, Президентимиз бундай офатларнинг олдини олиш, бартараф қилиш йўлида яна бир муҳим масалага жамоатчилик эътиборини жалб қилиш зарурлигини қайд этди.

Бугунги кунда Ўзбекистонимиз эришяётган, дунё тан олаётган марралар ҳақида сўз юритганда, уларга замин бўлган кўпгина сабабларни келтириш мумкин. Лекин халқимиз кўлга киритган бу натижаларнинг негизиде турган асосий омил — буни бугун ҳеч кимга тушунтириб беришнинг ҳождати йўқ, деб ўйлайман — мустақиллик даврида одамларимизнинг дунёқараши, ҳаётга, меҳнатга, ўз касбига бўлган муносабати кескин ўзгариб бораётганида аққол намойён бўлмоқда, деб таъкидлади Ислам Каримов.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

КЕКСАЛАРНИНГ ИБРАТ МАКТАБИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган он-лайн мулоқот бўлиб ўтди. Унда уруш ва меҳнат фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари вакиллари, олимлар, санъаткорлар, талабалар иштирок этди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ибносари Ф.Мухаммаднова, Ўзбекистон халқ артисти Н.Абдуллаева, «Олтин мерос» жамғармаси Тошкент вилоят бўлими раиси З.Эгамбердиева ва бошқалар бугунги фаровон кунларимизга эришиш йўлида фидокорона курашган уруш ва меҳнат фахрийларининг жасорати ҳозирги ёшлар учун катта ибрат мактаби эканини таъкидлади. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида инсон қадрини улуғлаш, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш йўлида амалга оширилаётган эзгу ишлар ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, бугунги тинч-фаровон кунларнинг қадрига етишга ўргатиш, маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилмоқда.

Байрам муносабати билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Хотира — муқаддас» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ёшларимиз жойларда ободонлаштириш, тозалик ишларида ташаббускор бўлмоқда, кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, Боқувчинини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олиб, уларга уй ишларида кўмаклашмоқда.

— Ортимизда кекса авлод вакиллари кўрсатилаётган доимий эътибор бизга руҳий ва маънавий куч-қувват бағишламоқда, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Мухтор Расулов. — Бундан руҳланиб, ёшим тўқсонга етган бўлса-да, ҳозир ҳам Тошкент иқтисодиёт университетида ёшларга таълим-тарбия бериб келмоқдаман. Уларнинг бахтини кўриб, хур ва озод кунларимизга, тинч-осойишта ҳаётимизга шукроналар айтаман.

Тадбирда уруш ва меҳнат фахрийлари ёшларга ўз хотираларини сўзлаб берди.

ҒАМХЎРЛИК УМРИМИЗГА УМР ҚЎШМОҚДА

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият юритган уруш ва меҳнат фахрийлари, олимлар, шифокорлар иштирок этди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги А.Икромов ва бошқалар соғлиқни сақлаш тизимини амалга оширишдаги ислохотлар инсон манфаатларини таъминлаш, кексаларимиз саломатлигини мустақамлашда юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

— Инсон қадри улуғланаётган шундай юрда яшаш улуг саодатдир, — дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти профессори, тиббиёт фанлари доктори Наима Маҳмудова. — Давлатимиз томонидан биз, фахрийларга кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик умримизга умр қўшмоқда.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг фармонида мувофиқ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари ҳамда байрам совгалари топширилди. Санъаткорларнинг чиқишлари байрамга янада файз киритди.

Ў.А.

МЕҲР-МУРУВВАТ КЎРСАТИЛДИ

Хотира ва қадрлаш кунини юртимизнинг барча гўшаларида элимизнинг мард фарзандлари хотираси яна бир қарра ёдга олиниб, пири бадавлат нурунийларимизга ҳурмат-эъзоз кўрсатилади. Қашқадарё вилоят ҳокимининг фармойишига асосан ташкил этилган хайрия ҳаширида бу фазилатлар яна бир бор намойён бўлди.

Ҳашар кунлари кўчалар, маҳаллалар, хиёбонлар, гузарлар ободонлаштирилди. «Мотамсаро она» ва «Хотира» хиёбонлари, кўпқаватли уйлар ва ҳовлилар атрофи, болалар майдончалари, зиёратгоҳлар ҳамда қабристонлар янада ободонлаштирилди.

Шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона ва ташкилотлар, муассасалар жамоалари томонидан ишлаб топилган бир кунлик иш ҳақи «Нуруний» жамғармаси вилоят бўлими кенгашининг ҳисоб-рақамига ўтказиб берилиши режалаштирилди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ногиронлари, уруш орти ва меҳнат фахрийлари ҳамда ёлғиз кексаларга моддий ва маънавий ёрдам, меҳр-мурувват кўрсатилди.

Музаффар ТУРОПОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг жамоатчи мухбири.

Ўзбекистон ифтихорлари

Ришод СОБИРОВ:



ВАТАН ШАЪНИНИ
УЛУҒЛАШ ЭНГ
КАТТА БАХТ → 4

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

ҲАР БИР МУРОЖААТ
ОРТИДА → 3

инсон қадр-қиммати ва манфаати бор

Ўз-ўзини танқид

МУАММО БИЛАН
МУРОСА ҚИЛИШ ⇒ 2

ҳеч қачон обрў келтирмайди

ИНСОН ХОТИРАСИ — БОҚИЙ, ҚАДР-ҚИММАТИ — УЛУҒ

Президентимиз Исло Каримов ташаббуси билан
9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда
умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда

Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг мушакл фикрлаши, маънавий олами, ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётгани барча барча ютуқларимизнинг пойдеворига, куч-қувватимиз манбаига айланаётганини сезиш, кўриш қийин эмас.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, эришилаётган ютуқларнинг негизини аввало инсон омили муҳасабга олиш керак. Яқинда пойтахтимизда энг муҳим соҳалар — соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларига бағишланган ўтказилган халқро аниқлаш ҳам бу ўзининг

яқол тасдиғини топди.

2012 йилни Мустақкам оила йили деб эълон қилганимизнинг замирида ҳам мамлакатимизда инсон манфаатлари устуворлиги, ҳар бир инсоннинг ўз халқи, оиласи, Ватани тақдирига дахлдор бўлиб яшаш каби эзгу мақсадлар муҳасабга, деди давлатимиз раҳбари.

Ана шундай омилар туфайли юртимизда тинчлик ва барқарорлик мустақкамлаб, кўпмиллатли мамлакатимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик тобора кенг қарор топаётгани ҳаётимизда асосий ҳал қилувчи кучга айланиб бораётганини таъкидлаш ўринлидир.

Президентимиз бугунги тинч-осойишта кунларнинг қадрига етиш, мустақкамлаб мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, эришилаётган ютуқларнинг негизини аввало инсон омили муҳасабга олиш керак. Яқинда пойтахтимизда энг муҳим соҳалар — соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларига бағишланган ўтказилган халқро аниқлаш ҳам бу ўзининг

ёшлар кўлида. Ҳал қилувчи куч сифатида кириб келаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга ишонч билдириш лозим.

Мустақкамлаб мамлакатимиз тарихини ўрганишда давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон мустақкамликка эришиш оstonасида» китоби барчамиз учун ишончли манба ва муҳим амалий қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу маънода, бугун нишонланаётган Хотира ва қадрлаш маросимининг маъно-мазмунини, яъни ўтганларни эслаш, ҳаёт бўлганларни қадрлаш, Ватанни ҳимоя қилиш, уни дахлсиз сақлаш каби олижаноб фазилатларни ёш авлодларимизнинг онг тафаккурига сингдириш, фарзандларимиз, болаларимизнинг биз киммиз, кимнинг авлодими деб, ота-боболаримизнинг жасоратидан ибрат олиб, мана шу мусоффо осмонни, она юртимизни биз асрамак, ким асради, деган эътиқод билан яшаш, ҳеч шубҳасиз, бугунги ва эртанги

ҳаётимиз учун жуда катта аҳамиятга эга, деди Исло Каримов.

Буларнинг барчаси бизнинг кучимизга куч, қудратимизга қудрат қўшиши, эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустақкамлаш табиийдир.

Пиравардида Президентимиз бугунги кундаги энг долзарб вазифаларимиз ҳақида алоҳида тўхталди.

Авалло дунёда, узоқ-яқин минтақаларда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бепарво, лоқайд бўлмасдан, бошқаларнинг дардини ўзимизга яқин олиб, доимо огоҳ, сергак ва ҳушёр бўлиб, халқ ва Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшашимиз зарур.

Айни вақтда миллий армиямизни, халқимизнинг тинч-осуда ҳаёти ҳимоясида посбон бўлиб турган Куролли Кучларимизнинг салоҳияти ва қудратини янада ошириш, мухтасар айтганда, миллий армиямиз том маънода халқимизнинг гурур-ифтихорига айланиши учун ҳисса қўшиш — барчамизнинг муқаддас

бурчимиз бўлиши керак.

Биз доимо ўз имкониятларимиз, куч-қудратимизга таяниб-суяниб яшаганмиз ва келажакда ҳам шундай бўлажак, албатта.

Биз ўз олдимизга ота-боболаримиз орзу қилган, керак бўлса, жонини ҳам аямаган улғу мақсадини, яъни Ўзбекистонимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт даражасига эришиши ва буюк давлат қуриш вазифасини қўйганмиз.

Ана шу йўлда Яратгандан халқимизни, Ватанимизни ёмон кўзлардан сақлашда ўзи мададкор бўлишини сўраймиз. Биз ўзимизнинг эзгу мақсадларимизга албатта эришамиз, деди Исло Каримов.

Мотамсаро она ҳайкали пой ш кунни анвойи гулларга бурканди. Муаззам майдон оқшомга қадар юрт тинчлиги ва озодлиги, авлодларнинг порлоқ истиқболлари учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчилар билан гавжум бўлди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Соғлом она — соғлом бола

ПЕРИНАТАЛ МАРКАЗНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Самарқанд шаҳридаги вилоят перинатал марказининг реконструкция қилинган янги биноси фойдаланишга топширилди.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида аҳоли репродуктив саломатлигини мустақкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда юртимиз тиббиётида мутлақо янги тизим бўлган перинатал скрининг хизматлари, репродуктив саломатлик марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Бу орқали ўсмир қизлар, туғуруқ ёшидаги ва ҳомиладор аёллар, ёш оналарнинг саломатлигини доимий назорат қилиб бориш, уларни ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтказиш ва муҳими, оилаларда соғлом фарзандлар дунёга келишига эришилмоқда.



— Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 1 июлда қабул қилинган «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воғая етказиш бўлиши» қарорига асосан янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги

қарори асосида юртимиздаги перинатал марказлар фаолияти такомиллаштирилиб, уларнинг моддий-техника базаси мустақкамланмоқда, — дейди Самарқанд вилоят перинатал маркази раҳбари Зайниддин Эгамқулов. — Шу асосда бизнинг марказимизда ҳам республика Инвестиция дастурига биноан қарийб уч миллиард сўмлик қури-

лиш-реконструкция ишлари бажарилди. Поликлиника ва ҳар бир бўлим фаолият йўналишидан келиб чиққан ҳолда, тубдан реконструкция қилинди. Шифокор ва беморлар учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Натижада муассасамиз бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган,

замонавий тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозларга эга 119 ўринли бинода фаолият кўрсатадиган бўлди.

Марказда фаолият кўрсатиб келган акушерлик, ҳомиладорлик патологияси, анестезиология ва реанимация, гинекология бўлимлари қаторига чақалоқлар патология-

си, реанимация ва физиология бўлимлари ҳам қўшилди, замонавий талабар асосида жиҳозланди. Бу эса турли хасталик ва нуқсонлар билан туғилган чақалоқларни марказнинг ўзида даволаш имконини беради.

Ҳ.ҲАХАНОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

Ўз-ўзини танқид

МУАММО БИЛАН МУРОСА ҚИЛИШ

ҳеч қачон обрў келтирмайди

Яқинда халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг ўн бешинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда депутатлар «2011 йилда вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида амалга оширилган ишлар бўйича халқ депутатлари вилоят Кенгаши раисининг ҳисоботини эшитиб, муҳокама қилишди. Ҳисоботда маҳаллий Кенгаш депутатларининг кўпгина ибратли ишлари эътибор этилди.

Жумладан, партиямиздан Жиззах туман Кенгашига сайланган 15 нафар депутат орасида масъулиятни ҳис этиб, сайловчилар ишончини оқлаш учун астойдил ҳаракат қилаётган, электрорат манфаатларига дахлдор муаммолар, уларни ҳал этишнинг мақбул ечимини мутасаддилар олдига қўётган, бу борада фаоллик, жонқуярлик ва ташаббус кўрсатаётган фидойилар кўпчилигини таъкидлади.

Ўтган йили депутатлик гуруҳи Ҳ.Қобиловнинг тақлифи билан «Туманни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури бажарили-

шининг аҳволи тўғрисида»ги, А.Ҳожибоевнинг тақлифи асосан «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларининг бажарилиши билан боғлиқ масалаларни туман Кенгаши сессиясига киритди. Бу борада тегишли қарорлар қабул қилинди ва уларнинг ижроси бўйича назорат урнатилди. Бундан ташқари, депутатлик сўрови ўтказиб, электрорат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳудудга оид ижтимоий-иқтисодий масалаларга ечим топишда И.Бердиев, А.Ҳожибоев, А.Иномов ва С.Орипов каби фаол

депутатлар ҳаммага ўрнатилди.

Бироқ туман Кенгашига сайланган баъзи депутатлар ЎзХДП Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни бажаришда фаоллик кўрсатма-япти. Бунга уларнинг ўз ваколати ва бурчини тўла англаб етмагани, ўз имкониятидан етарлича фойдаланмаётгани сабаб бўлмоқда.

Ўтган йили Жиззах вилоят Кенгашига партиямиздан сайланган 14 нафар депутат бирон марта депутатлик сўрови билан чиқмаган. Айрим депутатлар сайловчилар ва ўзлари мансуб бўлган партия ташкилотлари билан алоқани узиб қўйган. Арнасой, Зафаробод, Фориш туман Кенгашларида номига депутатлар хонаси ташкил этилган, уларда фуқароларни қабул қилиш, муурожаатларни тинглаш учун зарур шарт-шароит яратилган эмас. Мирзачўл туман Кенгашига сайланган 6 нафар депутат йил давомида ўз сайловчилари билан лоқал бир марта

учрашув ўтказган эмас! Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «Масъулия» сўзига шундай таъриф берилган: «Бирор иш, хатти-ҳаракат оқибати, натижаси учун бўлган жавобгарлик». Депутатлик масъулиятнинг залвори оғир. Депутат, энг аввало, халқ вакили сифатида кишиларнинг оғирини енгил, мушкулларини осон қилиши керак. Бунинг учун ўзида куч, билим ва салоҳият топиши зарур.

Шунингдек, улардан сайловчиларнинг ташвиш ва қувончлари билан яшаш, катта-кичик муаммоларни ҳал этиш учун елиб-югуриш, бу борада қатъиятчи ҳамда ташаббускор бўлиш талаб қилинади. Буни унутган, «депутатликка сайландимку, бўлди-да», деган ҳаёлда юрганлар қаттиқ янглишади. Улар эл назаридан, сайловчилар назаридан қолади.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни



ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари жойларда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан турли тадбирлар ўтказмоқда

ЎзХДП Марказий Кенгаши Олмазор туманидаги Фахрийлар пансионатида ташкил этган тадбирда депутатлар, партиямиз етакчилари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари уруш ва меҳнат фахрийлари иштирок этди.

— Эътибор ва кўмакка муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш, уларга ёрдам кўрсатиш партия-

мизнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Мажитхон Усмонов. — Бундай хайрли ишлар жамиятда ижтимоий бирдамлик кучайишига хизмат қилади. Бугунги тадбирда кўплаб ёшлар иштирок этмоқда. Демак, халқимизнинг эзгу ишлари давом этади.

Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент шаҳар Чилонзор туман партия кенгаши раиси азиз неъмат эканини ҳис эътаман, шукрона айтаман. Юртимиздаги бунёдкорлик, одамларимиз юз-кўзидаги мамнулик менга куч-қувват, ишонч беради. Шунинг учун фарзандларимга, невараларимга бошимиздан ўтган қийинчиликларни айтиб бераман. Ҳозирги осойишта замоннинг қадрига етиб, юрт равнақига ҳисса қўшишлар лозимлигини кўп уқтираман.

Шу кун партия фаоллари тумандаги нурунийлар ҳолидан хабар олиб, улар билан самимий суҳбат қуришди.

Шаҳноза ЮСУПОВА



ЎзХДП «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгаши «Уч авлод учурашув» мавзусида маданий-маърифий тадбир ташкил этди. Унда шаҳарча ҳокимлиги, «Нуруний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари ва талабалар иштирок этди.

— Ҳудудимизда 9 та маҳалла бор. Уларда 42 нафар уруш ва меҳнат фахрийси истиқомат қилади, — дейди «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими, ЎзХДП фаоли Самуржон Ҳикматов. — Ёшлар билан бирга, улар хонадониди бўлиб, ҳола-аҳвол сўрадик, совғалар улашдик. Бундан нуруний отахону онахонларнинг кўнгли беҳад кўтарилди. Фарзандларимиз меҳр-қўшбил, ватанпарвар бўлиб ўсишида бу каби учрашувлар муҳим аҳамият касб этади.

— Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан бир қанча тадбирлар ўтказдик, — дейди ЎзХДП «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгаши раиси Бахтиёр

Отахонов. — Қувонарлиси, бунда ёшлар кўпроқ ташаббус билан чиқаяпти. Жумладан, «Хотира» — азиз, қадр — муқаллас» шиори остида ўтган тадбирларда партиямиз дастуридан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий ҳимояга муҳтож, жисмоний имконияти чекланган кишиларга ёрдам кўрсатилди, совға-салом берилди.

Кесалар ўғитларини тинглаб, оила ва жамият, Ватан ҳақида ҳаётий тушунача эга бўлиш инсон учун жуда муҳим эканини ҳис эътидан, — дейди ЎЗМУ талабаси, ЎзХДП фаоли Гулчехра Ашурова — Ватан равнақи йўлида кўп машаққатларни бошидан кечирган фахрийларимизнинг ибратли сабоқлари, катта ҳаёт тажрибаси ёш авлод учун мактаб вазифасини ўтайди. Биз ҳам келажакда астойдил меҳнат қилиб, мамлакатимиз тарақиётига ўз ҳиссамизни қўшамиз. Бунинг учун жасорат ва матонатни фахрийлардан ўрганасак арзийди.

Нурули ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон ифтихорлари



Ришод СОБИРОВ: ВАТАН ШАЪНИНИ УЛУҒЛАШ ЭНГ КАТТА БАХТ

Икки карра жаҳон чемпиони, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи, Пекинда ўтказилган XXIX Ёзи Олимпия ўйинларининг бронза медали совриндори, Халқаро дзюдо федерацияси (JIF) томонидан 2011 йилда дунёнинг «Энг кучли дзюдочиси» деб эътироф этилган Ришод Собиров (60 кг) Лондонда бўладиган XXX ёзи Олимпия ўйинларида муносиб иштирок этиш учун пухта тайёргарлик кўрмоқда.



олдим ва маълум муддат гиламча чиқа олмадим. Биласизми, агар бир неча ҳафта гиламча чикмасангиз, бу албатта, жисмоний кучингиз, услубингизга, чаққонлик ва тезлигингизга салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Менда ҳам шундай бўлди. Машгулотларга уч-тўрт ой қатнашди. Натихада «World Master» халқаро турнири финалида россиялик спортчига имкониятни бой бердим. Энг муҳими, Лондон олимпиадасига йўлланмани кўлга киритдим. Олимпиада эса ҳар тўрт йилда бир марта бўлиб ўтади. Унда қатнашиш барча спортчининг орзуси. Лекин мен унда иккинчи бор қатнашаман. Ўзимни жисмон ва руҳий жиҳатдан тайёрлай олсам, олтин медални кўлга киритиш учун маҳорат ҳамда тажрибам етади. Юртбошимиз

раққий топди. Ҳозирги кунда қайси қитъа вакили бўлмасин, ўзига хос тактик усулларга эга. Спортчи япониялик бўладими ёки россиялик, улар гиламга чиққач, дзюдога ҳамонанг ўзларининг менталитетига мос усуллардан фойдаланишга ҳаракат қилади. Агар Париж турниридаги рақибларим ҳақида гапирадиган бўлсам, улар дзюдо спортининг моҳир курашчилари, кўлга киритаётган ютуқларига ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Ўзимга келадиган бўлсам, ҳар бир рақибимга қарши алоҳида тайёргарлик кўраман. Масалан, гиламда жанубий корейлик, япониялик спортчи билан курашимиз бошқача, грузиялик, россиялик дзюдочи билан бошқача бўлади. Бу борада менга барибир ёшлигимдан кураш билан шуғулланганим кўп ёрдам беради. Соф галаба — «иппон»га эришиш учун эса тик ҳолда туриб, чаққонлик билан усул ишлатишни ёқтираман.

**— Лондон олимпиадасига қадар уч вақт бор. Мусобақага тайёргарлик қандай бо-
раятти?**

— Ҳозир фақат Лондон олимпиадаси уй-хаёли билан яшапман, деса, муболага бўлмайди. Охириги тўрт йил давомида Халқаро дзюдо федерациясининг нуфузли мусобақалари — «World Master», «Катта дубулга», Гран-при туркумидаги йирик халқаро турнирлар, қитъа ва жаҳон чемпионатларида тўплаган рейтинг очколарим бевосита Лондон олимпиадасига йўлланмасини тўх-фа қилди.

— Ҳозир 2011 йилда жаҳоннинг «Энг яхши мураббийи» деб эътироф этилган устозим Андрей Штурбабин раҳбарлигида кунига икки маҳалдан аниқ режа асосида машгулотлар ўтказаяпман. Май ойида Москва шаҳрида ўтказилган «Катта дубулга» туркумига кирувчи халқаро турнирда яна бир бор маҳоратимни синовдан ўтказаман.

— XXX ёзи Олимпия ўйинларида Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя этсам, ўзимни энг бахтли одам деб ҳисоблайман.

**Аброр МЕЛИБОВЕВ
сухбатлашди.**

Қадр



Пири бадавлат кишилар — оила устун. Аини пайтда Сурхондарё вилоятида 140 минг нафарга яқин ана шундай инсонлар умргузаронлик қилади. Юз ва юз ёшдан ошганлари 173 нафар, уларнинг 128 нафари эса мунис онахонлардир.

ҚАРИСИ БОР УЙЛАР...

Иккинчи жаҳон урушига воҳадан 44 минг 430 нафардан ортиқ нақирон йигит отланган эди. Бугун уруш фаҳриларидан 404 нафари қарилек гаштини сурмоқда.

— Кекса авлод вакиллари доимо эъзозда, — дейди Сурхондарё вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси Орзикул Соатов. — 2012 йилнинг дастлабки чорагида нуронийларнинг 1 минг 250 нафари тиббий кўриқдан ўтказилди, 200 нафарга яқин кексаларимиз турли сиҳаттоҳ ва шифохоналарда ўз соғлиқларини тиклашди. Жамғарма ва саховатпеша ҳомийларнинг кўллаб-қувватлашлари эвазига 250 нафардан ортиқ кишига ногиронлик аравачаси, эшитиш мосламаси ва бошқа жиҳозлар тарқатилди. Нуронийларимиздан 110 нафари Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларининг диққатга сазовор жойларини зиёрат қилишди.

Воҳадаги мактаб, лицей, коллеж ва Термиз давлат университетини қошида ташкил этилган 750 дан ортиқ «Мадад ва ғамхўрлик» гуруҳлари қариялар ҳолидан хабар олиш, уларга ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан Сурхон воҳасида кўплаб тадбир ва урчуллар ташкил этилди.

— Уч асрнинг гувоҳи бўлдим, — дейди Олтинсой туманининг «Курама» маҳалласида истикомат қилувчи Қиммат Турдиева. — Йўқчилик, урушдан аввалги очарчилик йиллари, ундан кейинги қийинчиликлар ҳамон кўз ўнгимда гавдаланади. 117 йил умр кўрган бўлсам, Ватанимиз мустақилликка эришгач, тинч-осуда, тўқ ва фаровон яшай бошладик. Бугун фарзандларим, бир этак невар ва чеваралар курушвида қарилек гаштини суряпман. Азобли кунларимиз ортада қолиб, тинч ва обод юрда яшаётганимизга шукроналар айтаман.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.**

Футбол

«Нефтчи» — кейинги босқичда!

Осиё футбол конфедерацияси кубоги баҳсларининг гуруҳ учрашувлари ниҳоясига етди. Мусобақанинг «Д» гуруҳида тўп сурган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси охириги турда Ҳиндистоннинг «Салгаокер» футболчиларини қабул қилди.

Учрашув тўлиқ ҳамоирларимизнинг устунлигида ўтиб, унда Юрий Саркисян шогирдлари рақиблари дарвозасига жавобсиз учта тўп йўллашга муваффақ бўлдилар — 3:0. Тўпларни Павел Смоляченко (иккита) ҳамда Анвар Бердиев киритди.

Гуруҳда кейинги босқич масаласи муддатидан илгари ҳал этилган бўлса-да, охириги тур ўйинлари голларга бой бўлди. Жумладан, гуруҳдаги иккинчи учрашувда Уммоннинг «Ал-Оруба» жамоаси Иорданиянинг «Ал-Вихдат» вакиллари билан 4:2 ҳисобида устун келди.

Мусобақа низомига кўра, гуруҳда дастлабки икки ўринни эгаллаган жамоалар «плей-офф» ўйинларида иштирок этади. Бир учрашувдан иборат кейинги босқич баҳслари 22 май кунини бўлиб ўтади. Шу кун «Нефтчи» футболчилари сафарда тўп сурса, «Ал-Вихдат» жамоаси ўз майдонидан ўйнайди.

Миллий матбуот марказида

Ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг бўш вақтини мазмулли ташкил этиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, «Мустақкам оила йили» Давлат дастурининг ижросига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

БУГУНГИ ЗАМОН

Ўзбекистон ёшларини ҳар томонлама етук бўлишга ундамоқда

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган бу тадбирда таъкидланганидек, ҳаракат тизимлари томонидан 2011 йилда қатор ўқув семинарлар, конференциялар, турли тадбирлар ташкил этилди. Уларга 4,5 миллионга яқин ёшлар жалб қилинди. 2012 йилнинг 1-чорагида «Мустақкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ҳамда ҳаракатнинг дастурий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, ташкил этилган семинар, учрашув, давра суҳбати, мусобақа ҳамда кўрик-танловларда 1 миллиондан зиёд ёшлар иштирок этади.

— Ҳаракат ташаббуси билан 10 йилдан бери ўтказиб келинаётган «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақаларида ҳар йили академик лицей, касб-хунар коллежларининг 60 мингдан зиёд ўқувчилари иштирок этишади, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Мухамеджано-ва. — Воёга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, профилактик ҳисобда турувчи воёга ет-

маганларнинг ахлоқий, ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш, профилактик ҳисобдан чиқаришга кўмаклашувчи энг йирик лойиҳалардан бири «Ҳарбий-спорт оромгоҳи» лойиҳаси ҳисобланади. Ўтган 5 йил мобайнида 5 650 нафар профилактик ҳисобда турувчи воёга етмаганлар мазкур оромгоҳга жалб этилди ва улардан ҳулқи ижобий томонга ўзгарган 1,5 минг нафар ёшлар профилактик ҳисобдан чиқарилди. Бундан ташқари, жазони ўташ жойларидан қайтган 2 172 нафар ёшларга паспорт олиш, яшаш жойида рўйхатдан ўтиш, ишга жойлаштириш, оиласини тиклаш каби ҳаётий муаммоларини ечишларида амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Савдо-саноат палатаси ва қатор банклар билан ҳамкорликда катта лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Амалга оширилаётган бу каби ташкилий ишлар келажакда ўз мевасини бериши аниқ.

Нурали УЛУФОВ

Тадбир

БИТИРУВЧИЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 251-мактабда уюштирилган тадбирда битирувчилар, уларнинг ота-оналари, маҳалла фаоллари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари вакиллари, қорхона ва ташкилотларнинг масъул ходимлари иштирок этишди.

— Тадбирни ўтказишдан мақсад — битирувчиларимизни таълимнинг кейинги босқичига тўғри йўналтириш, — дейди мактаб директори Муассар Турсунова. — Шу мақсадда тадбирга таширф бўлган ота-оналарга ҳудуддаги ўрта махсус таълим муассасаларининг рўйхатлари, таълим-тарбия бериш шароитлари, қандай мутахассисликлар тайёрлаши ва қабул тартиби тўғрисида маълумот тайёрлаганимиз.

— Бундай тадбирларнинг ўтказилиши ўқувчилар касб танлашида, ҳаётда ўз урнини топиб олишида жуда катта аҳамиятга эга, — дейди мактаб психологи Алия Пармонкулова. — Чунки, кўпчилик ота-оналар ўзларига маълум бўлган касбни фарзанди эгаллашни хоҳлашади ва уни шу касбни танлашга ундашади. Аслида, фарзандининг бошқа соҳада иқтидори юқори эканлигини билишмай-

ди. Шу боис, биз 5 хил — қизиқишлар харитаси, ўқувчилар касбга йўналганлиги, шахс типларини аниқлаш, дифференциал диагностика сўровнома ҳамда холланд тестлари ёрдамида ўқувчининг қайси соҳада иқтидори борлигини аниқлаб, мана шундай тадбирларда ота-оналарига айтанимиз, уларни шу мутахассислик бўйича ўқитиш кераклиги тўғрисида маълумот берамиз.

— Битирувчи ўзи хоҳлаган касбни тўғри танласа, эртага етук мутахассис бўлиб ети-ташди, — дейди Тошкент педогогика коллежи ўқитувчиси Дилдора Маҳкамова. — Биз доимий равишда ота-оналар ва битирувчиларни таълим муассасамизга тақлиф қиламиз. Улар бу ердаги шароитларни кўриб, мас-лаҳатлашиб, тўғри йўл ва касбни танлашлари керак.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ

Газетанинг навбатдаги сони 15 май, сешанба кунини чиқади.

ОБ-ҲАВО 10-11 — 05. 2012

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+13 / +18 +27 / +32

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+13 / +18 +27 / +32

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

+13 / +18 +25 / +30

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари

+15 / +20 +27 / +32

Анджон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

+13 / +18 +25 / +30

Тошкент шаҳри

+14 / +16 +28 / +30

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +11 / +6

Париж +15 / +15

Москва +8 / +7

Мадрид +15 / +17

Пекин +17 / +18

Гонгконг +27 / +25

Рим +10 / +10

Афина +15 / +17

Токио +16 / +14

Стокгольм +9 / +8

Кейптаун +13 / +13

Қоҳира +22 / +23

Гавана +21 / +21

Вашингтон +9 / +10

MUASSIS:



Markaziy muharrir: Safar OSTONOV

TANHIR HAY'ATI:

- Abdulla ORIPOV Ulug'bek MUSTAFOYEV Muxlihdin MUHIDDINOV
- Latif G'ULOMOV Tat'yana KISTANOVA OCHILBOY RAMATOV
- Bobir ALIMOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Muhiboy RAMATOV Saidahmad SAIDAHMAD
- Sharbat ABDULLAYEVA G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari) RAHIMOV
- Murodulla ABDULLAYEV

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Pariya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatandorlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kutilibot — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan. Ko'chasi, 32-uy.

Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tafoq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 546 17356 nusxada bosildi. t — Tijorat materiallari O'za yakuni — 19.35 Topshirilgan vaqti — 22.50

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Erkin XOLBOBOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2008-7633



1 2 3 4 5